I. ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА ҚУРИЛИШ

2017 йил январь-сентябрда вилоятнинг асосий капиталини кўпайтиришга 5657,6 млрд. сўм миқдорида инвестициялар киритилди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 128,1 фоизни ташкил қилди.

Молиялаштириш манбалари бўйича асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг тақсимланиши

	млрд.сўм	*ўсиш суръати, %*	*якунга нисбатан фоиз*
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	5657,6	128,1	100
шу жумладан			
Марказлашган инвестициялар:	1832,7	146,3	32,4
бюджет маблағлари	69,3	88,5	3,8
давлат мақсадли фонд маблағлари	165,1	41,9	9,0
тикланиш ва тараққиёт фонди маблағлари	1455,3	21,2 м	79,4
ҳукумат кафолати остида чет эл кредитлари	143,0	19,2	7,8
Марказлашмаган инвестициялар	3824,9	120,9	67,6
корхоналарнинг ўз маблағлари	1921,1	113,4	50,2
аҳоли маблағлари	586,9	93,5	15,3
тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар	1039,0	207,1	27,2
тижорат банк кредитлари ва бошқа қарз маблағлари	277,9	92,6	7,3

Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган ва марказлашмаган инвестицияларнинг улушлари

2016 й.
январь-сентябрь



2017 й.
январь-сентябрь



Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашган инвестицияларнинг манбалари

2016 й.
январь-сентябрь



2017 й.
январь-сентябрь



Асосий капиталга киритилган инвестицияларда марказлашмаган инвестицияларнинг манбалари



2017 йил январь-сентябрда асосий капиталга инвестицияларнинг технологик таркиби:

	жами	*Давлат*	*Нодавлат*
Жами, ***млрд. сўм***	5657,6	277,4	5380,2
шу жумладан: умумий ҳажмга нисбатан фоиз кўринишида			
қурилиш-монтаж ишлари	58,7	74,2	57,9
машина, ускуналар, транспорт воситалари ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар	26,9	19,4	27,2
Бошқа ҳаражатлар	14,4	6,4	14,9

Асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг технологик таркибининг тузилиши 2016 йил январь-сентябрга нисбатан қурилиш-монтаж ишларнинг улуши 6,5 фоизли пунктга кўпайган, машина, ускуналар, транспорт воситалари, ишлаб чиқариш ва хўжалик жиҳозлар қиймати улуши 0,4 фоизли пунктга кўпайган ва бошқа ҳаражатларнинг улуши 6,7 фоизли пунктга камайган.

Асосий капиталган киритилган инвестициялар ва кредитларни иқтисодий фаолият турлари бўйича:
(млрд. сўм ҳисобида)

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш

2017 йил январь-сентябрда умумий майдони 772,6 минг кв.м. бўлган 5343 та (2016 йил январь-сентябрга нисбатан 93,2 фоиз), шу жумладан қишлоқ жойларида 543,8 минг кв.м. (111,4 фоиз) уй-жой фойдаланишга топширилди.

Умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари, мусиқа ва санъат мактаблари қуриш, қайта таъмирлаш ҳамда касб-ҳунар коллежларига ва умумтаълим мактабларига спорт иншоатлари қурилишида 37,1 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Соғлиқни сақлаш объектларини қуриш ва реконструкция ишларида 13,2 млрд. сўмлик инвестициялар ўзлаштирилди.

Қурилиш фаолияти. 2017 йил январь-сентябрда 1953,3 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 101,1 фоизни ташкил этди.

Қурилиш ишлари умумий ҳажмининг 72,7 фоизи бинолар ва иншоотларни қуриш бўйича қурилиш ишлари, 11,1 фоизи фуқаролик қурилиши объектларини қуриш бўйича қурилиш ишлари ва 16,2 фоизи ихтисослаштирилган қурилиш ишларига тўғри келди. Шу жумладан умумий ҳажмдан 65,2 фоизи янги қурилиш, реконструкция ва кенгайтириш ҳамда техник жиҳатдан қайта жиҳозлашга тўғри келади.

2017 йил январь-сентябрь ойларида намунавий уй-жойлар қурилиши



2017 йил январь-сентябрь ойларида қурилиш ишларининг ўсиш суръати *(% да)*



Нодавлат мулкчилик шаклидаги ташкилотлар томонидан 1863,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилиб, жами қурилиш ишлари ҳажмидаги улуши 95,4 фоизни (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 98,7 фоизни) ташкил қилди

Мулкчилик шакллари бўйича қурилиш ташкилотларининг ўз кучлари билан бажарган қурилиш ишлари тақсимоти қуйидагича ифодаланади:
(*умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида*)



Мулкчиликнинг нодавлат шаклидаги қурилиш ташкилотлари томонидан 1 863,1 млрд. сўмлик қурилиш ишлари бажарилган бўлиб, жами қурилиш ишлари хажмининг 95,4 фоизини (2016 йил январь-сентябрга нисбатан ўсиш суръати 98,7 фоизни) ташкил қилди.

Ҳисобот даврида Қашқадарё вилояти бўйича жами қурилиш ишлари хажми 1 953,3 млрд. сўмни, ундан нодавлат секторининг улуши 95,4 фоизни ташкил қилиб, бу кўрсаткич Ғузор туманида 10,8 фоизни (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 14,0 фоизга кўпайди), Шу билан бирга Қарши шаҳрида фоизни (2016 йилнинг мос даврига нисбатан 0,4 фоизга),Қарши туманида – 8,1 фоиз (7,8 фоизга), Яккабоғ туманида 3,8 фоизни (1,4 фоизга) камайгани кузатилди.

Кичик пудрат ташкилотлари ва микрофирмалар томонидан салмоқли қурилиш ишлари ҳажми Қарши шаҳрида – 306,7 млрд. сўм ёки 2015 йилга нисбатан 171,2 фоиз, мос равишда Косон туманида – 61,6 млрд. сўм (173,9 фоиз), Қарши туманида – 155,6 млрд. сўм (139,6 фоиз), Шаҳрисабз туманида – 68,1 млрд. сўм (137,1 фоиз) бажарилди.

Жами қурилиш ишлари ҳажмида, корхоналарнинг янги қурилиши, реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши ва техник қайта қуроллантирилишининг улуши 61,1 фоизни, капитал, жорий таъмирлаш ва бошқа пудрат ишларининг улуши эса 38,9 фоизни ташкил этди.